

«Менга сув бер», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Улар унинг ичига қўлларини соладилар», деди.

«Менга сув бер», дедилар.

Бас, у зот ундан ичдилар. Сўнг Замзамга келдилар. Улар ундан сув берар ва қудуқдан сув тортар эдилар.

Бас, у зот:

«Ишлайверинглар! Албатта, сизлар солиҳ амалдасизлар. Агар энгилиб қолишингиз бўлмаганида мен ҳам тушиб, мана бунга арқонни қўяр эдим», деб бўйинларига ишора қилдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «энгилиб қолиш» деганда нимани назарда тутганлари ҳақида турлича фикрлар бор. Жумладан, «Мен тушсам, одамлар ҳам менга эргашиб, Замзам тортишга тушиб кетишади. Натижада одам кўпайиб, сизларга иш тегмай қолади» деган маънода айтган бўлишлари мумкин, чунки бу шарафли вазифани фақат Абдулмуттолибнинг авлоди бажарар эди. Шунингдек, бу гаплари «Сизлар мени сув тортишга қўймайсизлар, мен сизлар истамаган ишни қилсам, сизлардан устун келган бўлиб қоламан, сизлар мағлуб саналиб қоласизлар» ёки «Агар мен тушиб, сув тортсам, бу иш сизлар учун таъкидланган суннатга айланиб қолиши мумкин, кейин сиз уни бажаришга қийналиб қоласиз» деган маънода ҳам айтилган бўлиши мумкин.

لَا أَقْمَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ الْيَصْرِيَّ بِنِ لِنَعُ، هُنَّ عُلَلِ لِيَضْرِرِي شَبَّ نَبْنَامُ غُلَلِ نَعُ
نَمُرِي ثَكُّنُهُ لَعْلَلِ، تَأْتِي بِنَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ لِنَبْنَامُ، نَبْنَامُ لِنَبْنَامُ
تَأْتِي بِنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ
نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ
نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ، نَبْنَامُ وَنَبْنَامُ

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, ҳалол очиқ-ойдиндир. Албатта, ҳаром очиқ-ойдиндир. Ва икковлари орасида шубҳали нарсалар бордир. У (шубҳали)

нарсаларни одамларнинг кўплари билмаслар. Бас, ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўси учун покланган бўлади. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушади. Бу худди қўриқхона атрофида (ҳайвон) боққан чўпонга ўхшайди. Ундан ўтлаб қўйиши осон.

Огоҳ бўлингким, албатта, ҳар бир подшоҳнинг ўз қўриқхонаси бордир.

Огоҳ бўлингким, албатта, Аллоҳнинг қўриқхонаси Унинг ҳаром қилган нарсаларидир.

Огоҳ бўлингким, албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур.

Огоҳ бўлингким, ўша нарса қалбдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Бу иқтибосда «солиҳ» сўзи «бузуқ» сўзига қарама-қарши маънода ишлатилганига эътибор беришимиз керак.

Ушбу жумлаларда қалбнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти баён қилинмоқда.

«Қалб» деб луғатда бир нарсани ағдаришга айтилади. Қалб бир хилда турмай, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун ҳам «қалб» деб аталган.

Ислом тушунчаси бўйича қалб икки хил: зоҳирий ва ботиний бўлади.

Зоҳирийси кўкракнинг чап томонида жойлашган, конус шаклли гўшт парчасидир.

Ботинийси эса нуроний, латиф, билувчи нарса бўлиб, инсонни инсон қилувчи нарса ўшадир.

Зоҳирий қалб инсоннинг зоҳирий – жисмоний қисмига жон вазифасини ўтайди.

Ботиний қалб эса инсоннинг ақлий, руҳий-маънавий ҳаётида жон вазифасини ўтайди.

Қалб бизнинг тилимизда «юрак» ҳам дейилади.

Ушбу ҳадиси шарифда таъкидланишича, қалб инсоннинг бузуқ ёки тузук бўлиши учун асосий омил бўлар экан. Қалбнинг бузуқ ёки тузук бўлиши эса ҳалол ва ҳаромга боғлиқ.

Ушбу ҳақиқатни қадим замонда фақат руҳий-маънавий жиҳатдан тушунилган. Ҳаромхўрлик қилган одам гуноҳкор бўлиши ва охирада дўзахга тушиши маъносида тушунилган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.